

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

СЕШАНБА, ПАЯШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1993 йил, 3 апрель • шанба

№ 38 (10.464). Нархи 8 сўм.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

1 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Малайзия Бош вазири Махатхир бин Муҳаммад бошлиқ ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги даражаси, уларни янада ривожлантириш йўналишлари атрафлича муҳокама қилинди. Давлат бошлиғи ва ҳукумат раҳбарлиги томонлама савдо-иқтисодий, маданий ва илмий алоқаларни тақомиллаштириш истиқболлари хусусида фикрлашди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош

вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, Ҳ. Султонов, ташқи ишлар вазири С. Сафоев ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Суҳбат чоғида Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фақуллода ва мухтор алчиси Муҳаммад Ҳорун ҳам ҳозир бўлди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Малайзия Бош вазири Махатхир бин Муҳаммад оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, мухбирларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

(ЎЗА).



СУРАТДА: учрашув пайти.

## ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

### ДЎСТОНА ТАШРИФ

Туркия Республикаси Президенти Т. Узол бошчилигида Туркия давлат делегацияси 4 апрелда Ўзбекистон Республикасига расмий дўстона ташриф буюради.

Турғут Узол олдин ҳам Ўзбекистонда бўлган. Энди эса у мустақил Ўзбекистонга би-

ринчи марта расмий сафар қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ўзбек халқи олий даражадаги меҳмонни муҳоракбод этиб, ушбу ташриф икки мамлакат ва халқ ўртасидаги биродарлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашига ҳамда Ўзбекистон

мустақиллики қўлга олган вақт ичиде Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Туркия Республикасига қилган ташрифлари чоғида эришилган битимларни ҳаётга татбиқ қилиш учун янги шарт-шароитлар яратишига умид боғлайди.

Марҳабо, қадрдон Турғут оғал!

вақтда Яқин Шарқ техника дорилфунунини маърузалар ўқиди.

Т. Узол Кебан тўғони ва Ҳидроэлектр станцияси лойиҳасини тайёрлашда ва пул билан таъминлашда асосий ролни ўтади. У Босфор кўприги, Қора денгиз мис мажмуаси, Сейдишеҳар алюминий мажмуаси ва Истанбулдаги авборли электр станцияси лойиҳаларини тузишда ҳам қатнашди.

1967—1971 йиллари Турғут Узол Бош вазир ҳузуридаги

техникавий маслаҳат кенгаши аъзоси, шунингдек давлат режалаш ташкилоти котибининг ўринбосари бўлиб ишлаган. У Туркия саноати, қишлоқ хўжалиги ва экспортни ривожлантириш асослари ва рағбатлантириш сиёсатини ишлаб чиқиб, амалга оширди. Т. Узол минтақавий ҳамкорлиги ва тараққиёт кенгаши ҳамда Европа иқтисодий ҳамжамияти иқтисодий мувофиқлаштириш кенгаши, молия ва кредит кенгаши, мувофиқлаштириш кенгашининг раиси бўлган.

1971—1973 йиллари жаҳон банкининг махсус масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлиб, турли саноат ва кончилик лойиҳалари ҳамда ривожланаётган мамлакатлар кончилик ишлари сиёсати билан шуғулланган. Туркияга қайтган, у турли муассасаларда ишлади ва 1979 йилнинг охирида Бош вазирнинг ёрдамчиси этиб тайинланди. Бир вақтнинг ўзида у давлат режалаш ташкилоти котибининг ўринбосари вазифасини бажарди.

Бош вазир девониде Т. Узол асосан иқтисодий масалалар билан шуғулланди. У Туркиянинг халқаро иқтисодий алоқаларини ҳам амалга оширди.

1980 йил 12 сентябрда Бош вазирнинг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди. У бу вазифадан 1982 йили бўшади. 1983 йили она ватан партиясини тасис этиб, ўша йили бўлиб ўтган умумий сайловда Туркия Бош вазири этиб сайланди. 1987 йили умумий сайловда она ватан партиясининг ғалаба қозониши муносабати билан ҳокимиятга иккинчи муддатга сайланди.

1989 йил 31 октябрда Турғут Узол Туркия миллат мажлиси тарафидан Туркия Республикасининг саккизинчи Президенти этиб сайланди ва 1989 йилнинг 9 ноябрдан вазифасини бажаришга киришди.

Турғут Узол иқтисодиёт ва техникага оид турли масалалар юзасидан бир неча илмий маърузалар қилди. У француз ва инглиз тилларида чоп этилган «Туркия Европада» китобининг муаллифи ҳамдир.

Т. Узол инглиз ва француз тилларини билади.

У оилали, уч фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

## ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРҒУТ УЗОЛ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ

Туркиянинг саккизинчи Президенти бўлиш Турғут Узол 1927 йили Малатия шаҳрида туғилган. 1950 йили Истанбул техника дорилфунунини тугаллаган, иқтисоси — электрмуҳандис, 1952 йили АҚШда амалий иқтисодиёт бўйича малякасини оширган. Ундан сўнг Туркияга қайтиб, электр ишларини ўрганиш бошқармаси бош мудирининг ўринбосари бўлиб ишлаган ва Туркияни

электрлаштириш режаларини, жумладан, Хирфанли ва Кемер Ҳидроэлектр станцияси ҳамда Демиркопру тўғонини лойиҳалаш ва ўрганиш соҳасида ишлади.

1960—1961 йиллари ҳарбий хизматни ўташ чоғида Т. Узол миллий муҳофаа вазирлигининг илмий маслаҳат кенгашида вазирадор бўлди. Давлат режалаш ташкилотини тасис қилишда иштирок этди. Айни

## ФУТБОЛ

### ВИЛОЯТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ ПЕШҚАДАМ

● РЕСПУБЛИКА футбол жамоалари олий лигаси сифида вилоятимизнинг уч жамоаси қатнашмоқда. Булар Юқоричирчиқнинг «Политотдел», Қибрайнинг «Бинокор—Пахтакор-79» ва Чирчиқнинг «Чирчиқ» командаларидир.

Ўтган йили республика мусобақаларининг биринчи табақасида яхши ўйин кўрсатиб, ғолиб келган ва кучли-

лар даврасига йўлланма олган «Политотдел» футболчилари бу йилги мавсумни ҳам қўш ғалаба билан бошладилар. Улар иккинчи турда Самарқанднинг «Динамо» футболчиларини қабул қилишди, яна йирик — 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Учрашувнинг саккизинчи минутада А. Хошимов ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимда

аввалига А. Винников, сўнгра Ж. Рўзиқуловлар самарқандликлар дарвозасига иккита тўп киритишди. Шундай қилиб, икки ўйиндан сўнг тўрт очко тўплаган ва тўплар нисбати 7:0 бўлган «Политотдел» олий лига жамоалари ўртасида пешқадамликни қўлга олди. Тўғри, ўтган йилги Ўзбекистон чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари ҳам, шунингдек Бухоронинг «Нурафшон», Гулистоннинг «Шифокор», Қўқоннинг «Темирийўлчи» жамоалари ҳисобида ҳам 4 тадан очко бор. Лекин улар тўплар нисбатига кўра «Политотдел»дан кейинги ўринларда туришибди.

Аммо вилоятимизнинг қолган икки вакили — «Бинокор—Пахтакор-79» ва «Чирчиқ» футболчилари иккала ўйинда ҳам рақибларига ён босишди. Иккинчи турда

«Чирчиқ» футболчилари Гулистонда «Шифокор» жамоасига 0:2 ҳисобида, Қибрай футболчилари эса сафарда «Косонсойчи» клубига 0:1 ҳисобида ютқазди.

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари «Янгиер» жамоасини 3:0 ҳисобида енгилди. Тўпларни В. Кечинов, Ш. Мақсудов (2 та), киритишди. Шу турнинг бошқа ўйинларида куйидаги натижалар қайд этилди: «Наваҳор» — «Сўғдиёна» — 0:0, «Орол» — «Наврўз» — 3:1, «Темирийўлчи» — «Трактор» — 1:0. Ўтган йилги республика чемпиони Фарғонанинг «Нефтичи» футболчилари Бухорода «Нурафшон»дан 0:2 ҳисобида енгилди.

Набатдаги учинчи турда «Политотдел» футболчилари Тошкентда «Трактор» жамоасига қарши майдонга тушадилар. Чирчиқлик футбол-

чилар эса «Пахтакор» клубини қабул қилишди. Вилоятимизнинг учинчи вакили — «Бинокор—Пахтакор-79» Бухоронинг «Нурафшон» футболчилари билан беллашади.

Икки турдан сўнг жамоаларнинг турнир жадалидеги аҳволи куйидагича:

| Жамоалар    | У. | Т.  | О. |
|-------------|----|-----|----|
| Политотдел  | 2  | 7—0 | 4  |
| Пахтакор    | 2  | 5—0 | 4  |
| Нурафшон    | 2  | 4—1 | 4  |
| Шифокор     | 2  | 3—0 | 4  |
| Темирийўлчи | 2  | 2—0 | 4  |
| Косонсойчи  | 2  | 2—1 | 3  |
| Наваҳор     | 2  | 1—0 | 3  |
| Орол        | 2  | 5—4 | 2  |
| Нефтичи     | 2  | 3—4 | 2  |
| Сўғдиёна    | 2  | 1—1 | 2  |
| Наврўз      | 2  | 2—5 | 0  |
| Бинокор     | 2  | 0—2 | 0  |
| Трактор     | 2  | 0—2 | 0  |
| Чирчиқ      | 2  | 0—3 | 0  |
| Динамо      | 2  | 0—5 | 0  |
| Янгиер      | 2  | 0—7 | 0  |



# КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

## Душанба, 5. IV

### УзТВ I

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Ешлик» студияси. «Ишонч».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 «Рақслар гулдастаси».
- 19.55 Эълонлар.
- 20.00 Дунё хабарлари.
- 20.10 «Баҳор манзаралари». Телефильм.
- 20.20 «Шеърнат дафтарида». Ҳамид Ғулом.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 «Оқшом эртаклари».
- 21.10 «Давлатнинг қудрати — қонуқ ўстиворлигида».

### УзТВ II

- ТОШКЕНТ  
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 18.30 «Ассалому алайкум» (такрор.).
  - 19.30 Болалар учун. «Соғға».
  - 20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
  - 20.15 «Тадбиркорлар».
  - 20.45 «Аёл борки дунёда...».
  - 21.25 «Лаҳза». Хабарлар.
  - 21.40 «Мудҳиш хато». Бадий фильм.
- «ОРБИТА IV»
- 4.55, 8.20, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
  - 5.00 «Яқунлар».
  - 5.45 «Тонг».
  - 8.00 Янгилликлар.

- 8.25 «Тинглам, томоша қилинг...».
- 8.45 «Митти ёнут». Мультфильм.
- 8.55 «Бир умр қалбимга қулоқ соламан...». А. Михайлов.
- 9.45 «Гол».
- 10.15 «Янги авлод танлайди».
- 11.00 Янгилликлар.

- Фильм премьераси («Беларусьфильм»). 1-серия.
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 19.55 Эълонлар.
- 20.00 Янгилликлар.
- 20.25 «Гол».
- 20.55 «Спорт уик-энди». «Янги студия» таништиради:
- 21.10 «Матбуот-клуб».
- 22.50 «Халқ овози».
- 23.35 «Джем-сейши». Танафус пайтида [23.00] — Янгилликлар.

### «ДУБЛЬ IV»

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 7.25 Ишбилармон кишилар даври.
  - 7.55 Тонгги концерт.
  - 8.10 «Мекленбурглик ўз нишми».
  - 8.55 «Бола тилидан».
  - 9.25 «К-2» таништиради. «Халқ фраки».
  - 10.20 «Кузирхоним».

- 10.50 «Васильевская 13 даги озодлик».
- 11.10 Мульти-пульти.
- 11.25 Кундузги сеанс. «Тамара Александровнанинг эри ва қизи». Бадий фильм.
- 13.05 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
- 13.30 «Катта дарё киргоғида». Бадий фильм. Свердловски инностудиясининг 50 йиллиги.
- 14.40 Ишдан бўш пайтингида. «Хонаки клуб».
- 14.55 Янгилликлар.
- 15.10 «Америнанинг ёвойи табияти». Хужжатли фильм премьераси. 5-фильм (АҚШ).
- 15.40 Трансросэфир «Орол».
- 16.25 Ватандошлар. «Бошқа руслар».

### 17.00—19.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 19.25 Душанба кунини детектив. «Лаки страйн» таништиради. «Адолатнинг омирлиши». «Криминал ходисалар» туркумидан (АҚШ).

### 20.20—21.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 21.30 «Ҳақиқат онлари».
  - 22.25 «Динозавр бўлмайдими».
  - 22.40 Спорт кўрсатуви.
  - 22.45 «Биз фақат танишимиз».

## Сешанба, 6. IV

### УзТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 7.25 «Сумалак», «Улоқ». Телефильмлар.
- 7.50 Дунё хабарлари.
- 8.00 «Катта кўчада оркестр билан». Бадий фильм.
- 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
- 10.00 «Ешлар хиром айлаганда». Фильм-концерт.
- 10.30 Уқув кўрсатуви. Информатив. График ахборотлар билан ишлаш.
- 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).
- 11.30 Бошланғич таълим. «Алифбо байрами».
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 «Кичкинтой» студияси. «Қўғирчоқлар — меннинг дўстларим».
- 18.55 «Спортлото».
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

- 19.20 «Қўшиқларда қолган муҳаббат». Бахтиёр Йўлдошев.
- 19.55 Эълонлар.
- 20.00 Дунё хабарлари.
- 20.10 «Уни халқ танлади...». Ўзбекистон халқ депутати И. Файзуллаев.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 «Оқшом эртаклари».
- 21.10 Эстрада концерти.
- 22.10 «Қувноқ эскадри». Бадий фильм.
- 23.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Бинокор» (Қибрай) — «Нурафшон» (Бухоро). Ёзиб олинган.
- 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

### УзТВ II

- ТОШКЕНТ  
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
  - 19.20 «Муслиқий меҳмонхона».
  - 20.00 «Алоқалар ва шартномалар».
  - 20.30 «Бу оқшомда».
  - 21.40 Эълонлар. «Киноинигоҳ».
- «ОРБИТА IV»
- 4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35 —

- Кўрсатувлар тартиби.
- 5.00 Янгилликлар.
- 5.35 Эрталабки гимнастика.
- 5.45 «Тонг».
- 8.00 Янгилликлар.
- 8.20 «Қувноқ нотачалар».
- 8.35 Мультфильм.
- 8.45 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
- 9.30 «Садовое кольцодаги саройда».
- 10.00 «Истеъодлар ва мухлислар».
- 10.50 «Матбуот-экспресс».
- 11.00 Янгилликлар.
- Кундузги киноэкспресс
- 11.20 «Приморье хибонни». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.
- 13.30 «Иштироб». Телевизион бадий фильм.
- 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
- 14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
- 14.40 «Ёни дафтар».
- 14.45 Саха Республикаси Давлат рақс театрининг концерти «Ёкуисти».
- 15.20 «Мен шундай ўйлайман...». Телеочерк.

- 15.30 «КОАПП». Мультфильм. 13—14-сериялар.
- 16.00 «Игорь Тальков: Россия — қалбим изтироб».
- 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
- 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Лучегорскнинг икки сири» кўрсатуви таништиради.
- 18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
- 18.45 «Миниатюра». Муслиқий кўрсатув.
- 18.55 «Мавзу».
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

- «ДУБЛЬ IV»
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 7.25 Ишбилармон кишилар даври.
  - 7.55 Мульти-пульти.
  - 8.15 «Ҳақиқат онлари».
  - 9.10 «Параллеллар».
  - 9.25 Анастасия куйлайди.
  - 10.15 Мульти-пульти.
  - 10.25 «Тверскаядан қовоқхона».
  - 11.10 Кундузги сеанс. «Ҳазил». Бадий фильм.
  - 12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
  - 13.05 «Нечки салон» саҳифаларида.
  - 14.40 Телебирна.
  - 15.10 Янгилликлар.
  - 15.25 «Рост» студияси. «Муслиқий синф». 1-қисм.
  - 15.55 Трансросэфир. «Космополис».
  - 16.40 «Жаноблар-ўртоқлар».

### 17.00—21.30 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 21.30 «Шов-шувсиз голиблар».
  - 22.00 «Бор-йўғи 17 соат ва... Мексика».
  - 22.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
  - 22.40 Спорт кўрсатуви.
  - 22.45 Санкт-Петербург балети. «Фаррух Рўзиматов». Артистнинг ижодий портрети.
  - 23.25 Джаз куйларидан концерт.

## Чоршанба, 7. IV

### УзТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 7.25 «Аския». Телефильм.
- 8.10 Дунё хабарлари.
- 8.20 «Ғаройиб ҳодиса». Бадий фильм.
- 9.25 Турк тили.
- 9.55 «Саховат».
- 10.30 Уқув кўрсатуви. Ботаника. Замбурўғлар.
- 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).
- 11.30 Уқув кўрсатуви. Тарих. XIX асрнинг охирида яа XX аср бошларида Туркистон халқларининг мустамлака тартибларига қарши олиб борган курашлари.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 Миллий кураш бўйича халқаро турнир. 1-кўрсатув.
- 18.40 «Буюк Ипак йўли». Телефильм.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

- 19.20 «Санъат олами».
- 19.55 Эълонлар.
- 20.00 Дунё хабарлари.
- 20.10 «Халқ ижодийти». Катта ашула.
- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 20.55 «Оқшом эртаклари».
- 21.10 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов куйлайди». Видеофильм.
- 22.10 «Нафақа ва ижтимоий муҳофаза». Бевосита мулоқот.
- 23.10 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 1-серия.
- 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

### УзТВ II

- ТОШКЕНТ  
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 18.30 «Билим сарчашмалари».
  - 19.10 «Спринт».
  - 19.30 «Тошкент: шаҳар юмушлари».
  - 20.30 «Мен қайтганимда...».
  - 21.45 «Қизиқарли учрашувлар».
  - 22.30 «Водиллик келини». Бадий фильм.

- «ОРБИТА IV»
- 4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
  - 5.00 Янгилликлар.
  - 5.35 Эрталабки гимнастика.
  - 5.45 «Тонг».
  - 8.00 Янгилликлар.
  - 8.20 «Йўлдаги эртан». Мультфильм.
  - 8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
  - 9.20 «Лўлилар бахти». Телефильм премьераси («Иркутсктелефильм»).
  - 10.00 «Бизнинг муслиқий клуб».
  - 10.50 «Матбуот-экспресс».
  - 11.00 Янгилликлар.
  - Кундузги киноэкспресс
  - 11.20 «Соҳил». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.
  - 13.30 Мультфильмлар: «Ҳамма гап шляпада», «Сирли сайёра».

- 15.45 «Джем».
- 16.15 «Клуб 700».
- 16.50 «Технодром».
- 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
- 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Здоровеньки булы» кўрсатуви таништиради.
- 17.50 «Мулкдор алифбоси».
- 18.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
- 18.50 «Актёрлар, актёрлар, актёрлар...». Премьерадан сўнг: мулоҳазалар, учрашувлар, тақдирлар.
- 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
- 19.55 Эълонлар.
- 20.00 Янгилликлар.
- 20.25 «Оппоқ либослар». Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия.
- 21.50 «ТВ-версия».
- 22.30 «Матбуот-экспресс».
- 22.40 «Атар муолиши». Телефильм.
- 23.00 Янгилликлар.
- 23.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Гётеборг» (Швеция) — «Милан» (Италия). Швециядан олиб кўрсатилади.

- «ДУБЛЬ IV»
- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 7.25 Ишбилармон кишилар даври.
  - 7.55 Тонгги концерт.
  - 8.10 «Шов-шувсиз голиблар».
  - 8.40 Мульти-пульти.
  - 8.50 «Тилла новда».
  - 9.20 Санкт-Петербург балети. «Фаррух Рўзиматов». Артистнинг ижодий портрети.
  - 10.00 «Сафсаталар».
  - 10.30 «Ретро-шлягер».
  - 11.00 Джаз куйларидан концерт.
  - 11.30 Ишдан бўш пайтингида. «Баллиқ белгиси остида».
  - 11.45 Кундузги сеанс. «Жаноб безатувчи» Бадий фильм.
  - 13.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
  - 13.50 «Пиллигрим». Россия саҳнатлар бюроси.
  - 14.40 «Бизнес: лиги номлар».
  - 14.55 Янгилликлар.
  - 15.10 «Рост» студияси. «Муслиқий синф». 2-қисм.
  - 15.40 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
  - 16.25 Христианлар учун кўрсатув.

### 17.00—21.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

- РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
- 21.25 «Кулги қироллари».
  - 21.55 «Жонланган сувратлар».
  - 22.40 Криминал хабарлар зирани.
  - 22.50 Баскетбол шарҳи.

## Пайшанба, 8. IV

### УзТВ I

- 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
- 7.25 «Тилларанг ришталар жозибаси». Телефильм.
- 7.40 «Баъзида эслаб қўй». Бадий фильм.
- 9.10 Дунё хабарлари.
- 9.20 Араб тили.
- 9.50 Болалар учун. «Илҳом чашмалари».
- 10.30 Уқув кўрсатуви. Зоология. Туғли ҳайвонлар.
- 11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилликлари (АҚШ).

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Янгилликлар.
- 18.10 Миллий кураш бўйича халқаро турнир. 2-кўрсатув.
- 18.45 «Қалб садолари». «Ўзбектелефильм» премьераси.
- 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
- 19.20 «Назорат ойнаси».
- 19.55 Эълонлар.
- 20.00 Дунё хабарлари.
- 20.10 Чолғу куйларидан концерт.

- 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
  - 20.55 «Оқшом эртаклари».
  - 21.10 «Бозор иқтисодиёти босқичлари».
  - 21.40 «Нафосат» телеойнома-си.
  - 22.40 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадий фильм. 2-серия.
  - 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
- УзТВ II
- ТОШКЕНТ  
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
- 18.30 Болалар учун. «Табас-сум».

- 19.00 «Шарқ лирикаси».
  - 19.20 «Бумеранг». Экологик кундалик.
  - 20.00 «Пульс». Хабарлар.
  - 20.15 «Бу оқшомда».
  - 21.30 «Пульс». Хабарлар.
  - 21.45 Эълонлар. «Киноинигоҳ».
- «ОРБИТА IV»
- 4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби.
  - 5.00 Янгилликлар.
  - 5.35 Эрталабки гимнастика.
  - 5.45 «Тонг».
  - 8.00 Янгилликлар.
  - 8.20 Мультфильмлар: «Икки

- айиқча», «Қўлга тушган мушук».
  - 8.45 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
  - 9.30 «Украинча гап-гаштаклар».
  - 10.10 «...16 йшгача ва ундан катталар».
  - 10.50 «Матбуот-экспресс».
  - 11.00 Янгилликлар.
  - 11.20 Футбол. Чемпионлар лигаси.
  - 13.00 «Ибодатхонага қайтиш».
  - 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан).
- [Давоми 7-бетда].



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

# ТАБИАТВАЙНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ САҲИФАСИ



Ангрен экологияси мураккаб шаҳарлардан бири. Бу ерда ишлаб турган ўнлаб корхоналар ва ташкилотлар атроф-муҳитни кўп даражада ифлос қилаётган йирик навбалар ҳисобланади. Шаҳарда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Биргина ўтган йили каттагина ҳажмидаги шундай ишлар қилинди. Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Абдували Ҳалилович РАҲМАТУЛЛАЕВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Республикамиз Олий Кенгашининг ўн иккинчи қақирғи ўн биринчи сессиясида қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун жумҳуриятимизда экологик вазиятни яхшилашга хизмат қилувчи салмоқли дастур бўлди. Айни вақтда у жойларда бу масалага эътиборни кучайтирди, ҳаммани бу иш билан жиддий шуғулланишга даъват этмоқда.

Кейинги йилларда шаҳримизда табиат муҳофазаси соҳасида қилинаётган ишлар сезиларли даражада кенгайди. Айниқса, шаҳар ҳокимиятида корхона раҳбарлари, мутахассислари ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан мунтазам равишда ўтказилаётган учрашувлар, йиғилишлар ва уларда экологик вазият ҳисобга олиниб, кўрилатган чора-тад-

ган заҳарли моддалар 1991 йилдагига нисбатан 8 минг тонна камайди. Сувдан оқилана фойдаланиш, сув айланиш тизимини қўллаш натижасида 500 минг куб метр ҳажмидаги тоза сув тежаб қолинди. Бузилган ерларни қайта тиклаш масаласи бўйича ҳам ҳам-

лишда фойдади усул эканлигини кўрсатди. Комбинатда биринчи педдан чиқадиган заҳарли моддалар 500 тоннага камайди.

Оҳангарон дарёсининг суви қарийб бутун вилоятимизга тарқалади. Унинг тозаллиги эса унга қўшилувчи Дукентсой, Нишбошсой, Кўчқинбулоқсой, Қорабоқсой ва бошқа шу каби йрмоқлар тозаллигига боғлиқдир. 1992 йил охирида олтин қазиб чиқариш қони шахталарининг оқова сувларини тозалаш учун қурилган ишоотнинг биринчи навбати битказилди. Иккинчи навбатини шу йилнинг биринчи чорагида барпо этиш ва умуман ишоотни ишга тушириш мўлжалланган. Шу кунларда иш жадаллик билан олиб борилмоқда. Унинг ишга туширилиши йилига 434 минг куб метр ҳажмидаги яхши тозаланмаган сувнинг Кўчбулоқ дарёсига қўшилишига барҳам беради. Ангрен кулолчилик комбинатидан шу корхона чиқиндиҳонасининг тозаланиши Дукентсой дарёси сувиغا ташланадиган 236 минг куб метр ҳажмидаги оқова сувлар таркибидagi заҳарли моддаларни кескин қисқартириб, уни талаб даражасига олиб келади.

Шаҳарда ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлашга қаратилган тадбир-

маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олишди.

Биз атроф-муҳит мусалфоллигини яхшилашга қаратилган бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Лекин ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида бу ишларга кўплаб капитал маблағлар сарфланаётганлиги қатори баъзи ишларда эса сусткашлик ҳукм сураётганлигини, ечилиши зарур бўлган муаммоли масалаларнинг кўплигини ҳам тан олишимиз керак. Уларни ҳал қилиш лозимлигини яхши тушунамиз.

Бу ишда ҳам шаҳар ҳокимлигининг мададига суянаемиз. Чунки у бизга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан бошланган ва унга кўп маблағ сарфланмай бажарилиши мумкин бўлган ишларни айтиб ўтсак фойдадан ҳоли бўлмас. Ўтган йили ҳокимлиқнинг махсус буйруғи билан шаҳар ҳудудида ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш бўйича 35 та қонунбузарлик аниқланди ва 28 кишига 7400 сўм миқдорда жарима солинди. Икки шахс ва учта корхонага табиатга етказган зиёни учун 4332 сўм миқдорда товон тўлаши учун қарор чиқарилди.

Яқинда шаҳар ҳокимлиги корхона, муассаса, ўқув юртлари раҳбарлари ва маҳалла қўмиталари раисларининг иштирокида ўтказилган йиғилиш экология масалаларига эътибор катта эканлигини яна бир бор кўрсатди. Унда ҳафтанинг ҳар жума кунин санитария-тозаллик кунини деб эълон қилинди.

Биз эндиликда гўзал шаҳримизда яшовчи ҳар бир фуқарони бошланган олижаноб ташаббусни қўллаб-қувватлашга, бу хайрли ишдан четда турмасликка, унга ўз ҳиссаларини қўшишга даъват этаемиз.

**СУРАТДА:** шаҳар ҳокими С. Юсуپов (ўртада) шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

## Ҳокимлик билан ҳамкорликда

бирлар ўз ижобий натижасини бермоқда ҳамда бу йўлда қўйилаётган қадамларга дадиллик бахш этмоқда.

Ўтган йили табиат муҳофазаси билан боғлиқ каттагина ишлар амалга оширилди. Корхоналар, ташкилотларда атроф-муҳитни яхшилаш борасида белги-ланган режа-тадбирларини амалга оширишга 23 миллион сўм ажратилган эди. Йил якунига келиб, бу кўрсаткич 31 миллион сўмни ташкил этди. Атмосферага чиқариб юборилади-

корликда сезиларли ишлар олиб борилмоқда.

Электр чанг тозалаш мосламалари ишини жадал асосида ташкил этиш натижасида Янги Ангрен ГРЭСида заҳарли моддаларни ҳавога чиқариш ўтган йилга нисбатан 1600 тонна қисқарди. Ангрен ГРЭСида эса бу кўрсаткич 600 тоннани ташкил этди. «Цементник» ширкатининг (ҳозир Ангрен қурилиш материаллари комбинати) биринчи педдан синовдан ўтказилган ҳавони намли тозалаш янги технологияси заҳарли моддаларни ушлаб қо-

лар ҳам амалга оширилмоқда. Чунончи, шаҳардаги «Источник» ширкати маиший ва саноат чиқиндиларидан эшик ва дераза ромлари учун дастак ва рўзгорда керак бўладиган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бундан ташқари, жамоа чиқиндиларини ёқмасдан кўмиш, усулида минерал ўғитлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Баъзи корхона ва ширкатлар Ангрен ГРЭСи ҳамда бошқа корхоналардаги печкалардан чиқадиган кўмир куллари-дан қурилиш учун гишт

ланг кучма колонналар эҳтиёжини қондиришмай қолди. Оқибатда қатор биноларнинг битиши қийин бўлди ёки чўзилиб кетди. Шундай шароитда бутун бир катта қурилиш трестининг ташкил этилиши кўнгилдагидек иш бўлди. Натيجада қурилиш ишларида муайян даражада ижобий силжишлар юз берди. Трест эса ўз ишлаб чиқариш

маъмурий олмасини қуришда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси олдидан ўтмади, унинг розилигини олмади. Тўррироғи, бунга эътибор бермади. Оқибати эса ёмон бўлди.

Шу маъмурий бино қурилишида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги кўпол равишда бузилган эди. Жумладан, бешта ка-

нисбатан ҳам шундай чора кўрилди. Экологик экспертизасиз қурилган биттагина бино табиатга ҳам, айбдорлар ҳаминга ҳам катта зарар келтирди. Экологик экспертиза зарурлигини шу биргина мисол ҳам яққол кўрсатиб турибди.

М. ҲАМИДОВ.

шаҳар ҳудудини кўкаламзорлаштиришда фаол қатнашмоқда. Унинг таклифи билан бу муҳим иш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Уш ҳокимлик қўллаб-қувватлади. 100 мингга мева ва манзарели дарехтлар кўчатлари сотиб олиш учун етарли миқдорда маблағ ажратди. Қўмига «Яшил патрул» тўғраклари ишини фаоллаштириш

ги 1-, «Правда» номидаги 2-Ғафур Ғуллом номи 40-мактаблардаги шундай тўғрақлар самарали ишламоқдалар. Бундан ташқари, комитет ташаббуси билан райондаги қатор корхона ва ташкилотларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг кўламини кенгайтиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда.



Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шаҳарлар ва қишлоқларда экологик тарғиботни кучайтириш атроф-муҳитнинг мусавфоллигини таъминлаш бўйича олиб бораётган курашида кўпдан-кўп илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлири, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари, жамоатчилик билан ҳамкорликни йил сайин кучайтирмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларда табиатни муҳофаза қилиш ишларини фаоллаштиришнинг самарали йўлларида бири бу соҳада қилинган ишлар ва фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида бевосита жойларнинг ўзида ўтказилаётган кенгашлардир. Ўтган йили қўмита коллегия мажлисларини вилоятимизнинг экологик мураккаб бўлган минтақаларида ўтказди. Бундай мажлисларда Оҳангарон, Янгийўл, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида экологик аҳволни яхшилаш ва уни соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Шуниси диққатга сазоворки, бундай йиғилишларга олдиндан пухта ҳозирлик кўриш яхши анъана бўлиб қолди. Унда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан бирга шаҳар ва район табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари ва фаоллари, корхоналарнинг экология бўлимлари вакиллари, ҳокимликларнинг аъзолари ва бошқа мутахассислар қатнашадилар. Коллегиянинг бўлажак кўчма йиғилишлари тўғрисида вилоят ва шаҳар газеталари орқали ахборотлар берилди. Бу эса кенг меҳнаткашлар оммасининг атроф-муҳитни мусавфо сақлаш масаласига қизиқишларини яққол кўрсатди. Чунки, улар ўзларининг тақлифлари, тавсияларини юбордилар. Буларни ўрганиш масалага чуқурроқ ёндашишга ёрдам берди.

Жойларда экологик аҳволни ўрганишда илгари шу масала бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижроси алоҳида назорат остига олинади. Чунончи, Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган коллегиянинг кўчма мажлисига тайёргарликда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Экология ва Табиий

ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича қўмитасининг 1992 йил 29 майдаги «Олмалиқ регионидagi экологик аҳвол ва уни соғломлаштириш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишига алоҳида эътибор берилди.

Коллегия мажлиси олдин унинг аъзолари ҳамда ҳокимликларнинг тақлиф қилинган ходимлари, шаҳар ва район табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари раислари экологик аҳвол мураккаб жойларда табиатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши билан танишадилар. Янгийўл шаҳрида улар биохимия заводида ишлаб чиқаришнинг ифлосланган оқава сувларини тозалашдаги таж-

кўрсатмоқда. Масалан, Олмалиқда бўлиб ўтган коллегия мажлисида «Олмалиқ шаҳрида экологик аҳвол ва уни соғломлаштириш йўллари тўғрисида»ги масала муҳофаза қилинганда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ш. С. Шоносировнинг маърузаси билан бирга Янги Ангрэн ГРЭСи директори Ю. Долин, Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси директори А. П. Федоров, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Н. Сигедин, Ангрэн ГРЭСи бош инженери Б. Борисовларнинг ҳам ҳисоботлари тингланди ва муҳофаза қилинди.

Коллегия мажлисларида ҳокимлар, прокурорлик, санэпидстанция, соғлиқни сақ-

цияга аъзо бўлиб кирди. Бунинг натижасида корхонанинг экологик паспорти тайёрланади. Икки йил давомида ҳорижий фирмаларнинг тажрибали мутахассислари ва олимлар иштироки билан корхонани қайта қуриш режалаштирилди. Бу ерда барча металл ва шаҳар бўйича рўзгор чиқиндилари тўла қайта ишланадиган бўлади. Бу тадбир туфайли икки йилдан кейин қўшимча 200 минг тонна чўян, 600 минг тонна цемент ва бошқа шу каби маҳсулотлар тайёрлаш имкони туғилади.

Вилоят корхоналари ва ташкилотларида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини яхшилаш масалаларини ҳал қилишда қўмита прокурорлик, санитария-эпидемиология станциялари билан ҳам алоқани мустаҳкамламоқда. Улар билан тез тез вилоят даражасида кенгашлар ўтказиб туриляпти. Бу кенгашларда иш аҳволига муҳофаза қилинмай, ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича чоралар ҳам белгиланмоқда.

Коллегиянинг кўчма мажлисларини ўтказиш бу йил ҳам давом эттирилади. Бу йил учун белгиланган режада бундай мажлисларни вилоятимизнинг етакчи агроноат районларида ўтказиш назарда тутилмоқда. Уларда асосан ер ресурсларини муҳофаза қилиш, минерал ўғитлар ва захарли кимёвий моддаларни сақлаш ва фойдаланиш бўйича зарур чораларни белгилаш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик усулини кенгроқ қўллаш, ишдан чиққан ерларни қайтадан қишлоқ хўжалик оборотида киритиш ва бошқа шу каби муаммолар чуқур ва атрофлича муҳофаза қилинади.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг санаот корхоналари, жамоат ва табиатни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлири, мактаблар, жамоалар вакиллари, аҳолининг кенг табақалари иштироки билан коллегиянинг кўчма мажлисларини ўтказиш бўйича фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш коллегияси муҳофаза қилди ва маъқуллади.

М. МУЙДИНОВ.

## КўЧМА КЕНГАШЛАР— ИШНИНГ ЯНГИЧА ШАКЛИ

риба билан яқиндан танишдилар. Олмалиқда эса кон-металлургия комбинатида захарли моддаларни атмосферага чиқаришни камайтириш бўйича қилинган ишлар билан, Бекободда эса Ўзбекистон металлургия заводида амалга оширилган шундай тадбирлар билан танишдилар. Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган кўчма мажлис қатнашчилари Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл комбинати, электр кимё саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг аҳволини атрофлича ўргандилар. Бундай масъулиятли экскурсияларга корхоналарнинг раҳбарлари бошчилик қилишди.

Бевосита цехларда ва участкаларда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти билан олдиндан танишиш коллегия мажлисларида муаммоларни атрофлича ва чуқур муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш юзасидан аниқ тақлифлар билан чиқиш имконини бермоқда. Айти вақтда корхона раҳбарларининг маъсулиятни ошишига ҳам таъсир

лаш органлари, вилоят ДАН ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек мажлис ўтаётган региондаги раҳбар ходимларнинг иштирок этиши унинг самарали ўтишига хизмат қилмоқда. Экологик аҳволни жамоа бўлиб чуқур таҳлил қилиш ҳамда уни соғломлаштириш йўллари белгилаш аниқ ва қимматли тақлифлар билан чиқиш имконини беради. Масалан, коллегиянинг Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган кўчма мажлисида шаҳарда ҳар йили 400 минг куб метр ҳажмдаги ахлат ёқувчи завод қурилишини бошлаш, «автойўлмеҳобази»ни тезроқ фойдаланишга топшириш ҳақида тақлиф киритилди. Айти вақтда, жанубий санаот минтақасида канализация ўтказилиши тўғрисидаги муаммо ҳам кўтарилди. Бу муаммоларни вилоят миқёсида ҳал қилиш лозимлиги уқтирилди.

Ўзбекистон металлургия заводларининг экологик муаммоларни ҳал қилиш учун фан билан алоқани мустаҳкамлаш бўйича фаолияти маъқулланди. Завод ассо-

## ҒОЛИБЛАРГА СТИПЕНДИЯ ТАЙИНЛАНДИ

ЯҚИНДА пойтахтимизда республика ёш табиатшуносларининг «Иқтидорли болалар» йиғини бўлиб ўтди. Унда серқўёш Ўзбекистонимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги мактабларда таълим олаётган ёш табиатшунослар қатнашдилар. Улар сув ресурслари ва балиқ захиралари, тупроқ ва ўсимликлар, «Қизил» китобга киритилган ўсимликлар ва жониворлар, экология билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича мутахассисларнинг маърузаларини тингладилар ҳамда зукколикда ўзаро баҳслашдилар.

Республика халқ таълими вазирлиги, ёш табиатшуносларнинг марказий станцияси ташкил этган бу йиғин иштирокчиларнинг ғолибларини рағбатлантирилди. Улар

га ёрликлар, тақдирномалар, мақтов қоғозлари берилди.

Ўзаро беллашув ғолибларидан беш нафар ўқувчига республика болалар жамғармасидан стипендиялар тайинланди. Улар бир йилга ҳар ойда 500 сўмдан пул оладилар. Бундай тақдирга сазовор бўлган ёш табиатшунослар орасида Тошкентдаги 63-мактабнинг ўнинчи синф талабаси Феруза Нурмухамедова ҳам бор.

Ш. ОБИДОВА.

Ушбу саҳифаларни Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фан-техника тараққиёти ва тарғибот бўлими ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ходимлари тайёрлашган.

## ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

ОЛИМЛАРНИНГ ҳисоблашларича, инсониятга маълум бўлган хашоратлар тури 4 миллионга яқинлашиб қолади. Улар орасида энг кўпи чумолилар экан. Уларнинг 14 мингдан ортиқ тури фанга маълум. Чумолилар орасида фойдалилари ва захарлилари ҳам бор. Бироқ уларнинг ҳаммаси табиатга катта наф келтиради. Чунки бу митти жониворлар зарарли хашоратларнинг кушандаси ҳисобланади. Агар ўрмонда ини бўлса у зарарли хашоратлардан тўла ҳимоя остида бўлади.

ҚУРБАҚАНИНГ ҳосиллари кўпчиликка маълум. Улар, айниқса турли хил зарарли хашоратларга қирон келтиради. Битта қурбақа қисқа муддат ичида минглаб хашоратни гумдон қилади. Мутахассислар етти юз йитирмата шундай жониворнинг табиий яшашини кузатганларида, бақалар қисқа муддат ичида бир миллионга хашоратни ушлаб еганлигини ҳисобга олишган.

ТАБИАТДАГИ кўпгина қушлар турли зарарли хашоратларга қарши курашишда инсонларга беқиёс ёрдам беради. Шундай қушлар туркумидан биргина узун қуйруқ чумчуқни олиб кўрайлик. Литвалик олимларнинг кузатиши бўйича бу қуш 15 кунда 1 килограмм атрофидаги хашоратларни еган. Сайроқи қушлардан бирининг иштаҳаси эса бундан ҳам юқорироқ бўлган. Литвадаги бундай қушлар ҳаммаси бўлиб бир йилда 1035 тонна зарарли хашоратларни тановул қилар экан.

КЕДР қарағайи асосан хўжасавдогар қуш туфайли кўпаяр экан. Бу парранда уни жуд хуш кўради, бунинг устига кедр ёнғоғини «ёмон кунларда керак бўлиб қолар», деб турли жойларга яширади. Кўпйинча бу одати унга панд ҳам беради. Чунки яшириб қўйганларинининг айримлари қаерда эканлигини унутиб қўяди ҳам. Натижада қулай шароит юзага келиши билан улар униб чиқали ва янги дарахт ўсабошлайди.

ЎРМОН қўмининг шаҳарлар, аҳоли манзилгоҳлари ва экинзорларга бостириб киришининг йўлини тўсувчи восита ҳам ҳисобланади. Бундай дарахтзорлар қишлоқ хўжалик экинларини қуруқ иссиқ шамол — гармселдан ҳам ҳимоя қилади. Уларнинг ҳимоясида бўлган пахтазорларда ҳосил тўрт-беш фоиз ошиқ бўлади.



Жанг ўртасидаги тавафбус.

Сураткаш Ф. УМУРЗОҚОВ.



(Давоми. Боши 2-бетда). жимаси билан). 14.25 «Телемикст». 15.10 «Ен дафтар». 15.15 «Читтакининг календари. Киш. Бақор». Мультфильм. 15.35 Ф. Шопен асарларидан концерт. 16.00 «Катти иши». Телефильм премьераси [Германия]. 17.00 Янгилıklar [сурдо таржимаси билан].

17.25 «...16' ёшгача ва ундан катталар». 18.15 «Оддий Мария». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 19.00 «Катта сайр». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилıklar. 20.20 Футбол. Чемпионлар лигаси.

21.10 1993 йил қўшиқлари. 22.15 «Парадиз-коктейль». 23.00 Янгилıklar. 23.35 «Матбуот-экспресс». ● «ДУБЛЬ IV» РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Эски шаҳарнинг янги даври». 8.40 «Сиз яратган бог». 9.10 «Галина-Лина» хит-дуэти.

9.40 «Уз-Узига режиссёр». 10.10 Театр сафари. «И. Ром-Лебедев хотирасига». 11.10 Мульт-пулти. 11.30 «Параллеллар». 11.50 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм, 150 ва 151-сериаллар. 13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.55 М. Равель. «Сохрли воқеа». 14.50 «Болалар роль уйнайдиган театр». 15.35 Янгилıklar.

15.30 Трансроссэфир. «Хусусий-лаштириш панорамаси». 16.35 «М-трест». 16.50 Спорт кўрсатуви. \* 17.00—21.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.25 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. Ярим финал. «Спартак» (Москва) — «Антверпен» (Бельгия). 23.20 «Сийсат майдонида». 00.15 «Теннис академиклари».

Жума, 9. IV

● УЗТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Қадрдонлар кўчаси». Фильм-концерт. 7.50 Дунё хабарлари. 8.00 «Қароқчи чоллар». Бадий фильм. 9.25 «Эл хизматида». Ургут мавий хизмат уйи. 9.55 «Бутуи умр давомида». Телефильм. 10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгилıkları [АҚШ]. \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилıklar. 18.10 «Нақшлар бўстони». «Ўзбектелефильм» премьераси. 18.25 «Кичкинтой» студияси. «Табият алифбоси». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида]. 19.20 «Ижод саҳифалари». Олим Қўчқорбеков. 19.55 Эълонлар. 20.00 Дунё хабарлари. 20.10 «Билиб қўйган яхши».

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 «Оқшом эртақлари». 21.10 Мақом куйларидан концерт. 21.40 «Исон ва замин». 22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Нурафшон» (Бухоро). Езиб олинган. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.30 Хабарлар [рус тилида]. 18.40 «Қимматбаҳо бандероля». Мультфильм. 18.50 «Кенеш» [рус тилида]. 19.30 Хабарлар. 19.40 «Оз укугунду билесинби». 19.50 «Хоразм». Манзарали телефильм. 20.00 «ТСК». «Указлар эмнеге ақсарилбайти». 20.30 «Экономикалик баяндама». 20.40 «Жаздин бир куну жил ағйи берет». 21.00 «Матонат». Кўрсатувда Қирғизистон Республикаси Ички ишлар вазири А. Сўталинов иштирок этади.

21.30 Хабарлар [қирғиз ва рус тилларида]. 21.50 «Назар» [билдирувлар, эълонлар]. 21.55 «Энг ёқимли ва жозибадор». Бадий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 18.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилıklar. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 «Тонг». 8.00 Янгилıklar. 8.20 «Джом». 8.50 Болалар учун фильм. «Зангори патруль». 9.55 «Сабҳатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан]. 10.50 «Матбуот-экспресс». 11.00 Янгилıklar. 11.20 Театр шинавандалари, Сизлар учун! Ю. О' Нил. «Узуи кундан кейинги тун». Россия Давлат академик Маллий театрининг фильм-спектакли. 14.00 Янгилıklar [сурдо таржимаси билан]. 14.25 «Бридж». 14.50 «Бизнес-класс». 15.05 «Ен дафтар». 15.10 Болалар учун фильм.

«Зангори патруль». 16.15 Липецк фольклор ансамблининг чиқиши. 16.30 «Иш». 17.00 Янгилıklar [сурдо таржимаси билан]. 17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Мақкага йўл» кўрсатувини таништиради. МДХлик зиёратчи репортажи. 17.50 «Исон ва қонун». 18.15 «Вагон-03». 18.45 «Мўжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилıklar. 20.25 «Хафтанинг машҳур кишиси». 20.40 «Оппок либослар». Етти сериали телевизион бадий фильм премьераси. 4-серия. 22.00 Катталар учун мультфильм. 22.10 «Матбуот-экспресс». «ВИД» таништиради: 22.25 «Сийсий бюро». 23.35 «Музобоз». 00.15 «Обоз» майдончаси. «Рондо» гуруҳи. Танаффус пайтида [23.00] — Янгилıklar

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.25 Ишбилармон кишилар даври. 7.55 «Сийсат майдонида». 8.55 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 10.45 Мульт-пулти. 10.55 «Ишдан бўш пайтингизда». 11.10 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп сериали бадий телефильм, 152-серия. 12.00 «Жонланган сувратлар». 12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала». 13.10 «Ижид». 13.40 «Хайвонот оламида». 14.40 Телефирма. 15.10 Янгилıklar. 15.25 «Рост» студияси. «15 ёшли наптан». 15.55 Жума кунлари Дисней. «Ер сайёрасига юборилган». Бадий фильм. 3-серия. 16.45 Парламент хабарномаси. \* 17.00—19.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 19.00 «К-2» таништиради. «Оснор-93». Голливуддан кўрсатув. 20.45 «Келинг, аниқлаб олайлик». \* 21.00—24.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 10. IV

● УЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». \* 8.00 Дунё хабарлари. 8.10 «Огарёва, б». Бадий фильм. 9.35 «Алифбо сабоқлари». 10.05 «Истиқлол фидойилари». Навоий вилояти Олтинсой давлат хўжалиги бош чўпони Ж. Хўжамуродов ҳақида телеочерк. 10.20 Болалар учун. «Санъат гуначалари». 10.50 «Чорраҳа». 11.20 «Грифон» мукофотининг совриндорлари. «Ўзбектелефильм» студияси. 12.20 «Саннат одимлари». 12.50 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириги мамунали орикстрининг концерти. 13.30 «Бу турфа олам». \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Усмирлар учун. «Уйла! Изла! Топа!».

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида]. 19.20 «Оламга сабҳат». Кинокўрсатув. 20.05 «Ватан меҳри». Адабий кўрсатув. 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Оқшом эртақлари». 21.15 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муножот Йўлчиева куйлайди». Видеофильм премьераси. 22.15 «Қўшқоқон». Бадий фильм. 1-серия. 23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» [Тошкент] — «Пахтакор». Езиб олинган. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ ● «ОРБИТА IV» 5.45, 7.30, 14.20, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 «Матбуот-экспресс». 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилıklar. 7.35 «Спорт-имконият». 8.10 «Марафон-15» — кичкинтойларга.

8.35 Шанба кунги дастхат. 9.05 «Экстро-НУЖ». 9.35 Экологик шарҳ. 9.50 «Алвидо, фалсафа!». Телефильм. 10.25 «Веди». 11.05 Тиббиёт ҳамма учун. 11.45 «Мулкдор алифбоси». 11.55 «Қизил космос». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.25 «Утмишда». «Максимка». Бадий фильм [Киев киностудияси, 1952 й.]. 14.00 Янгилıklar. 14.25 Союзлар уйининг Колонна залида Владияр концертти. 15.25 «Ишонч кунин». 15.35 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильм, 15 ва 16-фильмлар [25 йиллик юбилейига]. 16.00 «Ультраси». Спорт кўрсатуви. Футбол. Ешлар командалари ўртасида жаҳон чемпионати. 16.55 «Қизил кадрат». 17.35 «Хайвонот оламида». 18.15 «Оба-На-Уголшоу». 18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Зулматдаги отишмалар». Бадий фильм премьераси. «Майк Хаммер»

телесериалидан. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилıklar. 20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Анна Каренина». Телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 21.20 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж». 21.30 «Брейн-ринг». 22.20 «Қорқиз ва етти гном». Э. Рязанов Л. Парфенов билан суҳбатлашади. 23.00 Янгилıklar. 23.40 «Люб»: янги диск, янги клип. 24.00 «Матбуот-экспресс». 00.10 «Сно-видение» тунги канали.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш». 7.45 «Амурлар ҳаммаша голиб». Мультфильм. 7.55 «Формула-730». 8.25 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-қуралаш». 8.55 «Хали англаманган концерт». 9.25 «Бурда модан» тавсия этади...

9.55 «Мансаб алифбоси». 10.10 Такрорий фильмлар кинотеатри. «Санников ёри». Бадий фильм. \* 11.40—15.00 «ЎЗБЕКISTON» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ 1. «Севги куйчиси». Композитор Манас Левиев. 2. «Интерпорт». 3. Баҳор тароналари. 4. «Цирк! Цирк! Цирк!». \* РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.00 «Андишаларга бормай». Оламнинг руҳий ҳолати ҳақида фильм. 15.55 «Чегарасиз футбол». 16.50 Спорт кўрсатуви. \* 17.00—21.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21.25 «Мутлақо маҳфий». 22.20 «Шарман-шоу». 23.50 «К-2» таништиради. «Америка юлдузлари». 00.25 Тунги сеанс. «Чукотка бошлиғи». Бадий фильм.

Якшанба, 11. IV

● УЗТВ I

7.00 Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов куйлайди. \* 8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Махобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм [Ҳиндистон]. 11-серия. 9.15 «Ўзбекистон спорти». 9.45 Инглиз тили. 10.15 «Деҳқончилик ва экология». 10.35 «Мўжизалар маскани». Масхарабоз Ақром Юсупов ююди. 11.35 «Мақтаб ва ҳаёт». 12.15 «Ватанпарвар». Олимпиада йигитли бурчини ўтратган ўзбекистонлик аскарлар ҳақида. 13.15 «Мулоҳаза». Адабиёт ва маънавият. \* \* \* 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Ер истаб». Муסיқий лавҳа. 18.10 «Ешлик» студияси. «Узининг эр билсанг». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида]. 19.20 «Лайлақлар». «Ўзбектелефильм» премьераси.

19.30 Жаҳон спорти янгилıkları. 19.40 «Муסיқа жавони». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Вилоят театрларида». Йўлдош Охунбоев номдаги Андижон муסיқий театрининг «Тоҳир ва Зухра» спектакли премьераси. 22.50 «Қўшқоқон». Бадий фильм. 2-серия. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ 9.05—12.10 «Хуш хабарлар»; «Жилдизду бала»; «Балас-тандин мейманканасида»; «Кимде кунос!». 1-кўрсатув; «Бабалардан калган соз»; мультфильм. \* \* \* 18.05 «Степа — денгизчи». Мультфильм. 18.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт [рус тилида]. 19.30 Хабарлар [рус тилида]. 19.45 «Дидарлашуу». 20.15 «Қумдаги этюдлар». Телефильм. 20.30 Хабарлар. 20.45 Т. Исмомлов. «Авийир дати». «Телеспектакль».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 7.30, 14.15, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 «Рўҳни чиқиштириш». 6.55 Янгилıklar. 7.35 Эрталабки гимнастика. 7.45 «Спортлото» тиражи. 8.00 «Марказ». 8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнг гиси». Кўп сериали мультфильм премьераси [Франция]. 9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». 9.30 «Тонг юлдузи». 10.20 «Соло». 10.50 «Ҳарбий ревью». 11.25 «Ишқий ёзишмалар» ёки «Соия билан Америка томон сабҳат». 11.50 «Қора кўркям от саргузаштлари». Болалар учун кўп сериали телефильм премьераси. 12.15 «Марафон-15» — старт. «КВТ-1» ва «Франс интернациональ» канали таништиради: 13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп сериали мультфильм премьераси. 13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп се-

риали ҳужжатли фильм премьераси. \* 14.00 Янгилıklar. 14.20 Халқ оҳанглари. 14.30 «Сабҳатчилар клуби». 15.20 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари»; «Ҳақиқий ажина оловчилар». 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилıklar [сурдо таржимаси билан]. 18.00 «Доншманда». «Ленком» Москва театри фильм-спектаклининг премьераси. А. Н. Островскийнинг «Ҳар тўкида бир айб» пьесаси асосида. 20.55 Эълонлар. \* 21.00 «Яқунлар». 21.45 «Орзулар вокзали». Юрий Башмет. 22.40 «Ғам-андухимини орқага ташлаб». Телефильм. 23.00 Янгилıklar. 23.20 Бутунроссия кинобозори. 24.00 Футбол. «Уэмбли сари йўл».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 7.20 «Шамол учиб ўтади». Ҳужжатли фильм. 8.05 «Танаффус». 8.15 «Кувноқ Греция». Мультфильм. 8.25 «Гап-гаштакларни қумсаб». 8.55 «Рост» студияси. «Кунин узайтирилган гуппа». 9.25 «Фольклор». 9.55 «03—кўрсатуви». 10.25 «Ати-бати...». \* 10.55—15.25 «ЎЗБЕКISTON» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ 1. «Жаҳон ва биз». 2. «Умид» (уйғур тилида). 3. «Кинотининг сирли олами». 4. «Рангинкамон» (тожик тилида). 5. «Замандас» (қозоқ тилида). \* РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 15.25 «Оқ қарга». 16.10 Диснейнинг соҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари». «Қора плашча». \* 17.00—19.25 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ \* РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 19.25 «Сн-Би-Эс кинотеатри». «Джулия ким бўлади?» Бадий фильм [АҚШ]. \* 21.00—24.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

## УЛОҚ КИМДА КЕТДИ?..

ҚИБРАИДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

ҚАДИМ-қадимдан ота-боларимиз мардликка, жасоратга ундовчи мусобақаларни ардоқлаб келишган. Чунки уларда кишининг табиаги пўлатдек тобланиб, шароити тўғри баҳолаётган олиш ва чаптастик ҳислатлари шаклланади. Шулардан бири улоқдир. Афсуски турғунлик йилларида халқимизнинг бу суюкли ўйини ҳам унутилганди. Лекин кейинги пайтларда унутилган қадриятларимиз қайта тикланаётганлиги учун ҳам улоқ халқимизга қайтарилди. Бу ҳол узукка кўз қўйгандек тўй ҳамда тантаналарнинг, шунингдек вилоятимизда кент миқёсда ўтказилаётган Наврўз байрамнинг нуфузи ҳамда жозибасини янада оширмоқда.

Ўтган дам олиш кунини эрталабдан чавандозлар Қибрай районидagi «Май» қишлоғи ҳудудидagi «Оққум» адрига тўплана бошлашди. Мазкур мусобақага вилоятимиздан ва унинг ташқарисидан 800 дан зиёд чавандозлар таклиф этилганди. Кўмкўк ўт-ўланлар қоплаган қирга ўтовлар тикилган. Халқаро оқинлар мусобақа танловининг ғолиблари Қулмаҳал Дусенов, Маҳкамбой Умаровлар дўмбира чертиб,

айтишувни бошлаб юбордилар. Дошқозонларда турли таомлар тайёрланмоқда. «Қизил шалола» тажриба хўжалиги, «Бурота», «Байтқўрғон», «Турон» жамоа хўжалиklarининг, Қибрай қўрғони кенгаши, район халқ таълими бўлими ходимлари томонидан адирга тикилган ўтовларга кириб кишининг кўзи қувнайди.

Қибрайликлар вилоятимизнинг Бўстонлик, Паркент ва бошқа районларидан, қўшни Қозоғистон республикасининг Тўлабий, Саригоч, Сайрам, Келес ҳамда бошқа жойлардан чавандозларни кутишмоқда эди. Улоқ совринсиз бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам райондаги юзга яқин саҳоватли хўжалик ҳамда ташиқилотлар совринга бир ярим миллион сўмлик турли қимматбаҳо буюмлар — гилам, совутгич, мотоцикл, шу жумладан, от ҳамда қорамол тикишганди.

Қадимий ҳамда кўҳна улоқ ўйинининг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари борки, уни зийраклик билан кузатиш, қолаверса, улкан тажриба керак. Қибрай район кўпқари ўтказиш қўмитасининг аъзоси, тўйбоши Ҳурбой ака Махулдаева биз



юқорида санаган иккала сифат ҳам бекаму-кўст мужасамлашган.

Соат 11 га яқин чавандозлар сайҳонликка тўпланишди. Мусобақани Қибрай район ҳокими Акбарали Йўлчиев очиб, чавандозларга омад тилади. Шундан сўнг Байтқўрғон жоме масжидининг имом хатиби Муҳаммад Ортиқали ибн Омонбой ўғли мусобақа қатнашчиларига оқ фотиҳа берди. Тўйбоши, яъни мусобақа сардорини Нахлибой ака Абдувалиев мусобақани бошлашга ижозат берди.

Тез орада дастлабки сов-

риндорлар ҳам аниқлана бошлади. Булар Бўстонлик районидagi «Бўстонлик» жамоа хўжалигидан Қодир Тошматов, шу райондаги Озодбош посёлкасида Абдуғани Қурбонов, қибрайлик Тангриберган Жумабоев, Мухтор Мамировлар бўлишди. Соврин қўйганлар сафи ҳам кенгайиб бошлади. Шу жумладан, Тошкент вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги номидан ҳам қимматбаҳо совринлар қўйилди. Бўлиб ўтган мусобақа тан-

таналарида Тошкент вилоят ҳокими С. Д. Сайдалиев, унинг биринчи муовини А. С. Ибобенов, ҳоким муовини А. А. Абдувосиқов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги З. А. Алматов, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Р. Ҳ. Аҳмедов ўртоқлар, узоқ-яқиндан келган кўпгина меҳмонлар иштирок этишди.

Н. РАФИҚОВ.

СУРАТДА: чавандозлар беллашмоқда.

Ф. УМУРЗОҚОВ олган сурат.

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ МАДАНИЯТ УЙИ

ЭРТА тонгданоқ Сусам қишлоғининг аҳолиси С. Раҳимов номли ширкат жамоа хўжалиги марказига оқиб кела бошлади. Ҳаммалари ясанган-тусанган: кайфиятлари хуш. Бир томонда дошқозонда дамланган сумалак сузилмоқда, иккинчи ёқда тўкин дастурхон тузалган. Қариялар учун алоҳида сўриларга кўрпачалар тўшалган Оҳангарон тумани бўйича Наврўзи айёми 21 март кунини «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида нишонлангани сабабли бу меҳнат жамоаси Наврўз тантаналарини биров кейинроқда сурган эди. Бугун эса баҳор байрами қишлоқ маданият уйининг фойдаланишга топширилиши маросимига улашиб кетди.

Туман ҳокими Соғлом Балашов, С. Раҳимов номли ширкат жамоа хўжалигининг раиси Юсубали Донабоев, вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи Зоҳиджон Солиҳов ва бошқалар йиғилганларни Наврўз билан

муборакбод этдилар. Шундан сўнг 487-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Толғат Абилзатов рамзий калитни жамоа раисига топширади. Карнай-сурнай садолари, гулдирос қарсақлар ва олқишлар остида туман ҳокими Соғлом Балашов рамзий лентани қирқайди — маданият уйининг эшиклари ўз томошабинлари учун кенг очилади.

Замонавий услубда қурилган маданият уйининг 350 ўринли томоша зали, катталар ва болалар учун кутубхоналари, хўжалик музейи учун хона, газакхона ва ёруғ фойееси ва бошқа ёрдамчи хоналари бор.

— Битта миҳ ёки ёғоч топиш мушкул бўлган ҳозирги пайтда ушбу бинони қуриб битказиш осон бўлмади, — дейди қурувчилар бошлиғи Т. Абилзатов. — Аввало ишчиларимизни ғайратли меҳнатлари, қолаверса туман ҳокимининг саъйи ҳаракатлари, амалий ёрда-

ми туфайли қишлоқ маданият уйини Наврўз кунлари топширишга муваффақ бўлдик.

— Менга бу ерда айтишларича кейинги йигирма йилда туманда биринчи мар-

та мана шундай маданият биноси қурилибди, — дейди вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи З. Солиҳов. — Яширишнинг ҳожати йўқ, кейинги икки йилда бунақа қишлоқ маданият уйи

вилоятимизда ҳам қурилмаган эди. Умуман бу маданият даргоҳида ҳамма қулайликлар яратилганлиги бизга маъқул бўлди ва унга туман маданият уйи мақоми-ни беришга қарор қилдик.

Қишлоқ маданият уйининг биринчи томошабинлари кичкинтойлар бўлишди. Уларга янги ҳид бадийи фильми қўйиб берилди. Ташқарида эса Наврўзга бағишланган шоду-хуррамлик давом этаверди. Ҳар бир маҳалла халқимизнинг қадимий урф-одатлари, қўшиқ-ўлаилари асосида тайёрланган ўз дастурларини намойиш этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ёдгор Саъдиев, Гавҳар Зокирова, Ҳожинакбар Нурматов ва бошқа санъаткорлар байрамга ўзгача файз киритдилар. Шарқий янги йилга бағишланган халқ сайли то оқшомгача давом этди.

А. АБДУЛҲАҚОВ.  
Ж. НОМОЗБОВЕВ олган суратлар.

Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.

Бўстонлик райони ҳокимлиги республика миқёсидаги шахсий пенсионер, республикада хизмат кўрсатган чорвадор  
Исмоил  
ИРИСБОВЕВнинг  
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ  
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШ-  
КЕНТ ВИЛОЯТ КЕН-  
ГАШИ ВА «ТОШКЕНТ  
ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-  
ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси 32.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000094. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ. Буюртма Г—171. 30575 нусхада босилди. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6